ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК : 94(575.1):
316. 343 «1868-1920» (043.3)

БУХОРО ЖАДИДЛАРИ ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК ЙЎЛИДА

Г.Б.Нормуродова

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги жадидларининг ижтимой бирдамлик йўлидаги фаолияти таҳлил қилинган. Хусусан, аҳолининг турли табақалари орасидан чиққан, асосан, ўқимишли кишилар бирлигидан ташкил топган бу илғор зиёлиларнинг ғоя ва мақсадлари ёритилган. Халқнинг кенг қатламлари орасида ҳукм сурган саводсизликни тугатиш, эски таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали жамиятни турғунликдан олиб чиқишга қаратилган саъй-ҳаракатлари очиб берилган.

Калит сўзлар: *Бухоро амирлиги, протекторат, тараққийпарварлар, жадидлар, жамият, ижтимоий бирдамлик*.

В статье анализируется деятельность прогрессистов – джадидов Бухарского эмирата на пути социальной солидарности в конце XIX – начале XX века. В частности, освещаются идеи и цели передовой интеллигенции, сформировавшиеся из единства образованных представителей различных социальных слоев. Также, освещена деятельность прогрессистов, направленное на выход из общественного застоя через ликвидацию безграмотности широких слоев общества, реформирование системы образования.

Ключевые слова: *Бухарский эмират, протекторат, прогрессисты, джадиды, общество, социальная солидарность.*

1912 йилда «Бухорои шариф» газетаси саҳифаларидан бирида бир тараққийпарвар шундай жумлаларни келтирган эди: «... бизда подшоҳ, халқ, олим, муаллим, тижоратчи, косиб, деҳқон ва ҳоказолар бор. Жамиятдаги ҳар бир синф ва табақаларнинг ўзига хос вазифалари бордир. ... Дунёда мазкур вазифалар ичида энг асосийлардан бири аҳли илмнинг вазифасидир. Булар халққа барча вазифаларни тушунтириб, таълим беради» [1. Б. 1]. Ушбу фикрлар маълум маънода турли даврларда фаолият юритган илм-маърифат аҳлининг жамият ҳаётида тутган ўрнини кўрсатиб беради. Шу ўринда Россия империяси мустамлакачилиги даврида Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликлари оғир ва мураккаб шароитда маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан миллий тараққийпарвар – жадидлар ва уларнинг тарихий фаолияти алоҳида эътирофга лойиқ. «Шу нуқтаи назардан, «жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз мероси «маънавий хазина» бўлиб, уларни ўрганиш орқали бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади» [2], деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев.

Россия томонидан Ўрта Осиё хонликлари ерларининг каттагина қисми босиб олиниши ва Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил топиши Ўрта Осиё халқлари ҳаётида чуқур из қолдириб, жамиятни ларзага солган эди. Бу воқелик ўз навбатида миллий мағлубият ва мустақилликдан айрилиш сабабларини излашга мажбур этган машаққатли йўлни бошлаб берди. Марказий Осиё босиб олингандан сўнг юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, маҳаллий сиёсий ва зиёли доиралари вакиллари томонидан турлича қабул қилинди. Шуларнинг орасида, айниқса, халқни маърифатли қилиш орқали анъанавий жамиятни доимий ислоҳ қилиш йўлини танлаган илғор зиёлиларнинг ўрни муҳим бўлди. Айнан мана шу маърифатпарварлар, давлат мустақиллигининг йўқотилишига асосий сабаб Ўрта Осиё жамиятининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий қолоқлигида эканлигини жуда яхши тушуниб етган эди. Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари орасидан чиққан бу маърифатпарварлар заковатли зиёлиларнинг биринчи авлоди сифатида XIX аср иккинчи ярмида Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол роль ўйнади [3. Б. 335].

XIX аср охири – XX аср бошларида сиёсий қарам давлатга айланган Бухоро амирлигида ҳам мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий турғунликка барҳам бериш, халқни маърифатли қилиш, бунинг учун жамиятни ислоҳ этиш заруратини ёқлаб чиққан илғор фикрли зиёлилар шаклланди. Улар ўзларида инқироздан чиқишга қаратилган ва янгилик билан боғланган тасаввурларнинг барчасини

тўплаган эди. Дастлабки фалсафий қарашлари «ислом ва илмни бирлаштириш, ислом ва тараққиётга асосланган ривожланиш»да жамланган эди [4. Б. 51]. Шунингдек, амалий қарашларида диний мутаассиблик ва беҳуда одатларга танқидий ёндашилгани ҳам диққатга лойиқ [5. P. 194]. Илғор кучлар фикрича, юқоридагиларнинг барчаси жамиятни қолоқлик, тушкунлик ва ҳаттоки қашшоқлашув ҳолатига олиб келган салбий иллатлардир. Ушбу иллатларни бартараф этиш, жамият ҳаётини юксалтириш уларнинг энг олий мақсад ва вазифасига айланган. Кейинчалик шу каби ягона мақсад ва ғоя остида бу кучлар тараққиётни ёқлаган жадидчилик ҳаракатини юзага чиқардилар. Булар орасида давлат лавозимларида ишлаган, шароитни аниқ билган тажрибали кишилардан тортиб, уламоларнинг тараққийпарвар қисми, талабалар ва бошқа тоифа қатламлар бор эди.

Турли ижтимоий таркибдан чиққан жадидларнинг қарашлари улар илгари сурган дастурларга мос эди. Файзулло Хўжаев бу маърифатпарвар зиёлиларнинг асосий мақсад ва вазифаларини маънавий-маданий ҳаётда: янги дунёвий-диний адабиётлар, нашрларни ёйиш орқали диний мутаассиблик билан курашиш, соф диний, мутаассиб мактаблар ўрнига замонавий, ғарб намунасидаги янги усул мактабларини ташкил қилиш, ёшларнинг дунёвий билимларни эгаллашига, матбуот эркинлигига эришиш; *иқтисодий ва маъмурий соҳада*: солиқларни камайтириш ва тартибга солиш ҳамда бу соҳада халқнинг қашшоқлашувига олиб келган суиистеъмолликларга чек қўйиш кабиларда кўрсатиб ўтади [6. Б. 13].

Бундай илғор ғоя ва қарашлар Аҳмад Дониш каби маърифатпарварлар томонидан илгари сурилган бўлса, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим, Миркомил Бурхонов, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Холидҳожи Меҳри, Мулла Вафо, Абдурауф Фитрат ва бошқа тараққийпарварлар томонидан ривожлантирилган. Шу ўринда бухоролик жадидларнинг ижтимоий асоси тўғрисида сўз борар экан, «уларнинг кўпчилиги ўртаҳол ва паст таъминланган зиёлилар ва мадраса талабалари, майда мулкдорлар, амалдорлардан иборат бўлган. Шулар орасида йирик савдогарлардан Муҳитдин Мансуров, Ёқубовлар фаолиятни моддий таъминлаб турган бўлса, уламо вакилларидан таниқлиси Мулла Икром бўлган». Хусусан, жадидларнинг етакчи вакилларининг ижтимоий ҳолати ҳақида гап кетганда, «Садриддин Айний – мадраса талабаси, деҳқон, Абдулвоҳид Бурхонов – мирза, майда амалдор, Абдурауф Фитрат – талаба, ўртаҳол савдогар фарзанди, Усмон Хўжаев – мулла ва савдогар ўғли, Вобкентлик деҳқон Жўрабой эса дастлабки янги усул мактаби асосчиларидан ва бошқалар ҳам шундайлар жумласидан бўлишган» [7. Б. 12]. Демак, турли ижтимоий қатламлар асосида бирлашган бу кучларнинг кенг қамровли ғоя ва мақсадлари негизида турли халқ оммаси манфаатларини қарор топтириш ётганлиги бежизга эмас эди. Эътиборли томони, XX аср бошларида бундай тараққийпарварлар қаторида 4000 тагача киши бўлган.

1868 – 1920 йилларда дастлаб Россия империяси, сўнгра мустабид совет ҳокимиятига қарамлик натижасида Бухоро амирлигининг сиёсий мавқеи ўзгарди. Бундай ярим мустамлака, тобе ҳудудда анъанавий қонунчилик, бошқарув ишлари ва бошқа ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларнинг сақланиши билан бирга жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маълум трансформациялар содир бўлди. Шу ўзгаришлар таъсирида жамиятда табақаланиш жараёни кучайиб, аҳоли табақалари ижтимоий ҳаётида маълум ўзгаришлар юз берди. Жадидлар фикрича, бошқарув тизимининг эскирганлиги, Россия капитализми ва иқтисодий соҳаларда кечган ўзгаришлар, масалан, савдо аҳлини қийин аҳволга солиб қўйган. Шунинг учун Ф.Хўжаев: «Бухорода жадидчилик ҳаракати савдогарлар қатлами илғор қисми манфаатларини ҳам ифодалади» дейди. Бу тараққийпарварлар етакчиси, аҳоли табақаларининг ислоҳотларга боғлиқ муносабатини изоҳлар экан: «Ўз мулкларида маълум даражада жойлашиб олган ер эгалари – майда зодагонлар ислоҳотлар таъсирига ҳеч қандай ўзгариш кўрсатмади, чунки улар мустақил ва иқтисодий жиҳатдан эркин бўлиб, энг яхши ҳосилдор «*мулк*», «*мулки ҳурр*», «*танҳо*» ерларига эга эдилар. Уламолар таъсирида бўлган деҳқонлар эса бетараф ва пассив эдилар» [8. Б. 13], деб қайд этади.

Шундай қилиб, XIX аср охири ва XX аср бошларида амирликда рўй берган ижтимоий-сиёсий вазият оқибати жамиятнинг айнан илғор қисмини чуқур ўйлантириб қўйган эди. Улар жамиятни ислоҳ қилиш учун биринчи қадамни маърифатпарварликдан бошлаш зарур эканлигини англаб етишди. Афсуски, демократик ўзгаришлар тарафдорлари бўлган мазкур зиёлиларнинг халқ оммаси орасида дастлаб таъсир доираси тор эди. Уларнинг халқ маорифи соҳасида дунёвий, ғарб таълимига асосланган янги усул мактабларини очишга қаратилган саъй-ҳаракатлари, афсуски, ўша даврда ҳар қандай янгиликка қарши бўлган «қадимчилар», яъни мавжуд тузумнинг «эски усул» ва тартибларини, анъанавий таълим тизимини сақлаб қолишга тарафдор бўлганлар қаршилигига дуч келди. 1910 йилда Бухородаги сиёсий гуруҳлар таҳлил этилган ҳужжатда, улар уч гуруҳ: 1) консерваторлар, яъни «қадимчилар»; 2) «Ёш бухороликлар» ва 3) рус тараққийпарварларига ажратилади [8. Б. 34]. Бунда қадимчиларнинг

асоси – мударрис ва муллаларнинг асосий оммасидан ташкил топганлиги қайд этилиб, улар энг йирик ва уюшган гуруҳ сифатида бутун амирлик ҳудудида ўз таъсирига эга бўлган.

Маълумки, 1917 йилда Фарғонада бўлиб ўтган анжуманда қабул этилган Туркистон ўлкасининг демократик янгиланиш ғоялари эркин қарашли (либерал) зиёлилар ва уламоларнинг демократик кайфиятдаги фаол қисмида жиддий қизиқиш уйғотган эди. Бу эса ўта кескин кайфиятдаги мутаассиб кучларнинг ғашини келтирмай қолмади. Улар ислом дини номидан сўзлаб, жамиятда демократик ислоҳотлар ўтказиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга кескин қарши чиқишди. Туркистоннинг илғор жадид зиёлилари ва қадимчилар орасидаги бу зиддият уларнинг бўлинишига сабаб бўлган эди. Ташкилий жиҳатдан бу ҳол 1917 йил июнь ойининг ўрталарида «Шўрои Ислом» ташкилотидан ажралган «Шўрои уламо» жамиятининг тузилишида ифодаланган эди [9. Б. 37]. Бироқ демократик руҳдаги миллий етакчиларнинг бутун мусулмонлар бирлашуви шиори билан чиқиши кейинчалик бу ташкилотларнинг биргаликда ҳаракат қилишига имконият берди.

Афсуски, амирликда илғор зиёлилар билан мутаассиб кучлар ўртасидаги зиддият амирликнинг охирги кунларигача сақланиб қолди. Аслида илғор гуруҳ ва мутаассиб кучлар ўртасидаги илк зиддият 1908 йилда юз беради. Хусусан, бу воқеа бир йиллик таълимдан сўнг А.Бурхонов мактабида ота-оналар, уламо ва шаҳарлик вакиллар иштирокидаги ўқувчилар имтиҳонида намоён бўлади. Бунда иштирокчилар орасида янги мактаблар фаолиятига баҳо бериш юзасидан тортишувлар келиб чиқади. Икром Домла (Мулла Икром, 1847-1925) бошчилигида биринчи гуруҳ янги усул мактабларини халқнинг ривожи ва мамлакат тараққиёти учун фойдали, деб таъкидласалар, Муфти Абдураззоқ бошчилигидаги иккинчи гуруҳ (қадимчилар) томонидан янги усул мактаблари дин ва давлат учун зарарли эканлиги уқтирилади [7. Б. 8]. Мутаассиб қадимчилар янги усул мактабларига қарши бир неча сабаблар, хусусан, таълим беришнинг номусулмон шаклда олиб борилиши (партада ўтириш, ўқиш, ёзиш ва б.); диний таълимотга қарамасдан, арифметика, география сингари аниқ ва табиий фанларнинг ўқитилиши сингарилар шулар жумласида қайд этилади. Шундай қилиб, бу воқелик Бухоро жамиятида маънавий-маърифий қарашлари бир-бирига зид бўлган зиёлиларнинг бўлинишига олиб келди. Бу зиддият ўз даврида тараққийпарвар зиёлиларни жуда хавотирга солган эди. Жумладан, бу ҳолат юзасидан Абдурауф Фитратнинг «Мунозара» номли рисоласида тўхталиб, ватандошларининг таълим масаласида ноиттифоқлиги туфайли бирлашган халқнинг икки гуруҳга бўлиниши ва унинг ҳалокатли оқибати куюниб баён этилган эди. Кейинчалик мураккаб шароитда қийинчилик билан фаолият олиб борган Бухоро жадидларининг Туркистон ва Хива жадидчилик ҳаракатидан ажралиб турган ўзига хос хусусияти ҳам шундан иборат эди.

Маърифатчилик йўлида тўсиқларнинг мавжуд бўлишига қарамай, бу илғор кучлар янги усул мактабларини ташкил этиш, матбуот, маънавий-маърифий нашрларни йўлга қўйиш сингари ташаббуслар олиб борди. Тараққийпарварлар ўз танлаган йўлида шариатдан воз кечмаган ҳолда жамиятни модернизация қилишга астойдил киришган эди. Бу борада муфти Икром домла «янги усул таълими шариат тамойилларига ҳеч ҳам зид келмайди. Бухоронинг гуллаб-яшнаши учун мактабларни ислоҳ қилмоқ зарурдир», айнан шу сабаб билан ҳукуматдан, «эски усулни янгиси билан алмаштиришни» талаб қилмоқ керак, деб таъкидлаганди [10. Б. 410]. Мактабларнинг бутун бир жамият табақалари учун аҳамияти хусусида «Турон» рўзномасида: «... биз тижоратда ҳам қуруқ сўз ва таёқ билан ўрин тута олмаймиз. Балким бизга мактаблар зарур бўлади, мактаблар бизни ботқоқликдан чиқаради. Аксига олиб, бизни қутқаришга қодир бўлганлар бизни ботқоқликка ботирди, хароб қилдилар. Биз ватанимиз ва ҳукуматимиз учун нодон ва ярамас бўлганимиздан кўра, олим ҳамда яхлит бир буюк миллат бўлганимиз афзалдир», деб қайд этилган эди [11. Б. 1].

Таъкидлаш лозимки, тараққийпарварлар орасида мадраса талабаларидан иборат гуруҳ ҳам анча фаол бўлиб, хусусан, Мулла Икром бошчилигидаги ёшлар шулар жумласидан саналган. Шарқ фалсафий қарашлари руҳида тарбияланган ва кейинчалик ўз билимини ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқлари билан бойитган Абдурауф Фитрат, Мулла Вафо ва бошқалар шу асосда шаклланган эдилар. 1908 – 1909 йилларда амирликда янги усул мактаблари фаолияти йўлга қўйилиб, аҳоли орасида уларнинг нуфузи ва аҳамияти тобора ошиб борди. Бундай янги мактаблар талабалар эътиборидан ҳам жой олиб, уларнинг қизиқиш ва хайрихоҳликларига сабаб бўлди.

Умуман олганда, XX аср бошларига келиб мадраса талабалари ўзларининг қарашлари нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажралган. Уларнинг асосий қисми қадимчилар гуруҳига кириб, устозлари «таъсири»да эски таълим усули ва мавжуд «тартиб-қоидалар»га ён босганлар. Айрим ҳолларда уламо вакилларидан бўлган «устоз»лар кўп сонли муллабаччалар кучидан фойдаланиб турган. Шу боис баъзида амир ҳукумати ҳам бу кучлар билан ҳисоблашишга мажбур бўлган. Масалан, амир мадраса талабалари орасида обрўга эга бўлган Бурхониддин раисни лавозимидан озод этиб Кар-

манага чақиртирганда, талабалар бунга қаттиқ қаршилик кўрсатишган. Бу ҳолатни, шунингдек, амирликда янги усул мактабларини қўллаган вакилларга қарши ҳаракатларда ҳам кўриш мумкин эди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, аҳоли орасида юқори нуфузга эга бўлган мутаассиб уламолар ўз ғояларини тарғиб қилишлари учун матбуотга эҳтиёжлари йўқ эди. Улар ҳар жума куни пешин намозига йиғилган халққа амри маъруф ўқиб, янги мактабларнинг жамият учун зарарли эканини уқтириб, илғор кучларга қарши норозилик кайфиятини уйғотишга интилган.

1905 йилда Россия, 1905 – 1911 йилларда Эрон, 1908 йилдаги Ёш туркlар инқилоблари ва мазкур ҳудудлар илғор кучларининг фаолияти бухоролик зиёлилар либерал қарашлари ва демократик кайфиятлари ўсишига туртки берди. Бу борада С.Айний берган маълумотларга кўра «дастлаб беш-олти нафар киши «тараққийпарвар» ва «ислоҳотчилар» номи остида шаклланиб борди. Бу гуруҳ машҳурлари орасида Бўрибой, Мирхон Порсозода, Қори Бурхон, Мирза Муҳиддин Мансурзодалар бор эди» [12. Б. 25].

Амирликда маорифни ислоҳ қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда татар зиёлиларнинг ўрни ҳам муҳим бўлди. Бухоро маърифатпарварлари татар зиёлилари билан маънавий-маърифий қарашларда ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлишди. Хусусан, уларнинг ташаббуси билан Янги Бухоро, кейинроқ Бухоронинг ўзида татар тилига асосланган янги усул мактаблари ташкил қилинди. Шундай илғорлар қаторида Н.Сабитов, Х.Бурнашев ва бошқалар бор эди. Ҳатто Боқчасаройда чиққан «Таржимон» рўзномасининг муҳаррири Мирзо Исмоилбек Гаспиринский ҳам Бухорога келган ва амирликда янги усул мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш борасида ҳукумат билан музокара олиб борган эди.

1910 йилда Туркистон район муҳофаза бўлимига етказилган махфий маълумотда: «Амирликда аҳвол оғир. Туб ислоҳотлар ўтказиш учун ички кучлар билан биргаликда, ёш туркларнинг ҳам яширин етакчилик тарғиботи кузатилаяпти. Улар савдогар, зиёратчи, сайёҳ ниқоби остида, мадрасаларга боришиб, бозор ва бошқа жойларда мударрис ва талабалар билан сиёсий мавзуларда суҳбат ўтказмоқда. Эски Бухорода Константинополда нашрдан чиққан «Билимни оммалаштириш Бухоро хайрия жамияти Низоми» (1909) тарқатиляпти. Бу жамият нафақат Бухоро ва Туркистон аҳолиси орасида маърифатни ёйиш, балки Константинополь мактабларига ёшларни жалб этишга чорлаяпти» [8. Б. 40], дейилган эди. Бу маълумот маълум даражада бухоролик жадидларнинг туркиялик илғор кучлар билан биргаликда ислоҳотчиликни аҳолининг кенг ижтимоий гуруҳлари ўртасида тарғиб этганлигини тасдиқлайди.

Бухоролик маърифатпарварлар ташаббуси билан 1911 – 1912 йилларда амирликда 57 та янги усул мактаблари фаолият олиб борган. Шулар орасида Миркомил Бурхонов, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Холидҳожи Меҳриларнинг мактаблари энг яхши мактаблар бўлиб, улар орасида Мулла Вафонинг мактабида рус тили ўқитилишига алоҳида аҳамият берилган [14. С. 32]. Эътиборли томони, амирликдаги оғир шароитга қарамай фаолият юритган янги усул (жадид) мактаблари, қисқа муддатда халқни қолоқ тасаввурлардан очиқ дунё сари етаклашга эришиб борган. Айниқса, бундай мактаблар қисқа вақт мобайнида турли табақаларнинг илғор қисми орасида ҳам машҳур бўлиб борган. Ҳатто руслар билан савдо ишларини юритиб, бундай мактабларга эҳтиёж сезган бухоролик савдогарлар кечқурунлари бу мактабларга қатнаганлиги сабабли катталар учун ҳам кечки курслар ташкил этилган. Тижорат аҳли шу орқали она тили ва рус тилларида ўз саводларини чиқаришга уринган. 1914 йилда аҳвол оғирлашиб, янги усул мактаблари ёпиб қўйилгач, уламоларнинг сиқувига қарамасдан, йирик савдогар вакиллари ўз уйларига жадид ўқитувчиларни таклиф этган.

Маърифатчилик фаолияти даврида жадидлар Бухорода «Бухоройи Шариф» ва «Турон» рўзномалари нашрини йўлга қўйишди. Маърифатпарварлар бу рўзномалар орқали янги ғояларни тарғибот ва ташвиқот қилишга катта умид боғлади. Шу мақсадда «Бухорои шариф»нинг илк сонида биринчи даражали вазифалар қаторида «цивилизация ва ижтимоий бирдамлик ғояларини оммалаштириш» мақсади эълон қилинган. С.Айнийнинг маълумотига кўра «Бухорои Шариф» рўзномаси 1912 йил 11 мартдан то 1913 йил 2 январгача 153 нусха ва «Турон» рўзномаси 1912 йил 14 июлдан шу санагача 49 нусхада чиққан. Бу иккала рўзноманинг чоп этилишида ўзининг маънавий ва моддий ёрдамини берганлар сафида Муҳиддин Мансуров ва унинг ўғиллари Мирзо Низом ва Мирзо Абдулқодир, Мирзо Сирожиддин Ҳаким, Мирзо Абдулвоҳид Мунзим, Мирзо Назрулло Ғофурзода, Мирхон Порсо ва бошқалар бор эди [12. Б. 107 – 109].

1909 йил мартда «Ширкати Бухорои Шариф» номи билан жамият ташкил қилинди. Унинг вазифаси янги усул мактабларини дарслик, ўқув қўлланмалари билан таъминлашдан иборат бўлган. 1910 йилда янги «Тарбияи атфол» деган яширин жамият тузилган. Садриддин Айнийнинг сўзларига кўра, жамият фаолиятида асосий эътибор, кенг халқ оммасини маърифатли қилиш, исрофгарчилик ҳамда беҳуда урфларга қарши курашиш, қолоқ тузумга қарши ташвиқот олиб бориш масалаларига қаратилган. Мазкур жамиятнинг маориф соҳасидаги муҳим вазифаларидан бири – ёшлар-

ни хорижда ўқитишдан иборат бўлган. Хусусан, жамият ташаббуси билан 1911 йилда 15 нафар ва 1914 йилда 30 нафар талаба Истанбулда ўқиб қайтган [12. Б. 100].

Бухоро ва Туркистон матбуотида тараққийпарварлар, асосан, маориф, илм, таълим-тарбия, оила, дин, цивилизация, тил ва бошқа кенг қамровли масалаларга эътибор қаратишган. Масалан, «Дин ва тамаддун» номли мақолада «қадимчилар»га қаратилган шундай фикрлар берилган: «... тамаддун бўлиб яшаётган жамият учун зарур бўлган саноат ва ишлаб чиқариш, зироат, тегирмон ва бошқа шу кабиларни мукаммал қилиб йўлга қўйиш шарт бўлади. Тамаддун шартларига йўлларни текислаш, кўприк қуриш, карвон йўлларини обод қилиш ва йўлтўсарлардан тозалаш кабилар ҳам киради. Энди савол берилса: қайси дин бу ишларни қилиш ва тўкис қилишни ман этади? Муқаддас шариатимиз пешволари еб-ичишга муҳтож эмасларми? Ўз шерик ва эргашувчиларни қувватлашни сўрашмайдими? Москва ва бошқа жойларда темир йўллар ва вагонлар қурилиб амалиётга жорий қилинганда, баъзилар бу шайтон амалидир, дейишди. Буни ўзимизда жорий қилишга ҳаракат ҳам қилишмади. Келтирган барча важлари вақт ўтиш билан нотўғри эканини билдирди» [15. Б.1].

Оила, фарзанд тарбияси ва уларнинг жамиятдаги камолоти, илғор зиёлилар фикрича, бевосита аёлларга боғлиқ бўлган. Агар 1917 йилгача жадидлар матбуотида, ижтимоий ҳаётда аёлларни озодликка чиқаришга катта эътибор қаратилган бўлса, 1920 йиллар бошларига келиб жамиятда аёллар интеграцияга чорланган [5. Б. 201]. Бу шундан гувоҳлик берадики, Россия империяси ҳукмронлик қилган охирги ўн йилликда ислоҳотларни ёқлаб чиққан жадидлар гендер масаласига ҳам катта эътибор беришган.

Жадидлар ижтимоий қарашларида Қуръони карим, Ҳадису шарифлар асосидаги диний билимлар заруратига алоҳида урғу берилган. Шу боис ёшларнинг ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар соҳиби бўлиши учун астойдил интилдилар. Бу борада уларнинг таълимотида: «Динни тўғри англаш – маънавий камолга етишнинг асосидир, мусулмонлар дунёқарашининг асосини ташкил этган ахлоқ-одоб ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ғоялари, маънавий анъана ва урф-одатлар айнан диннинг шарофати билан сақланган» [3. Б. 215], дея диннинг аҳамияти эътироф этилган.

Инсоннинг ақли, билимини юқори баҳолаган Абдурауф Фитрат: «Одам ердаги олий мавжудотдир. Унинг юксалиш қобилияти бор (ҳайвондан фарқли ўлароқ). Кимки ўз инсонийлигини ривожлантирсагина, у ҳақиқий одам ҳисобланади» деб ёзган эди [3. Б. 220]. Фитратнинг «Бухорои шариф» рўзномасида чоп этилган «Истиқбол» номли мақоласида ҳам XX аср бошларида амирликдаги иқтисодий инқироз, халқнинг қашшоқ ҳолати, кўпчилик аҳолининг қуйи даражадаги саводхонлиги сингари ҳаётнинг турли соҳаларига оид муаммолар ёритилади.

Илм ва тафаккурнинг ўрни, билим ва таҳсилни ислоҳ этиш, тил ўрганишдан тортиб, етиштирилган хом ашёларни ҳудуднинг ўзида ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммоларини кўтариб чиққан тараққийпарварлар, маърифатга ечим топиш орқали иқтисодий масалаларни ҳал қилиш мумкинлигига чорлашган. Бу борада «Биз ўз тарихимизга назар солсак, олимлар авлоди, донишмандлар издошлари бўлганимизни кўришимиз мумкин, аммо энди бу шарафдан маҳрум бўлиб, бошқа одамларга айланиб қолганмиз. Шу боис нима қилишимиз керак?» каби саволларга жавоб излашга уриниб, «... агар бир нарсага муҳтож бўлганимизда, биз бошқа ишларни қилиб ўз мақсадимизга етишардик, бироқ бизда ҳамма нарсага ... илмга, тижоратга, саноат (ишлаб чиқариш)га, касб-ҳунар ва барча инсоният учун зарур бўлган ишларга муҳтожлик бор. Бугунги кунда бизга зарур бўлган нарса атрофимизга назар солишдир. ... Туркистон мусулмонлари учун зироатдан кейинги аҳамиятли икки касб бу – тижорат ва савдодир. Биз тижоратда қуруқ сўз ва таёқ билан ўрин тутолмаймиз. Балким бизга мактаблар зарур бўлади» [16. Б. 2] каби фикрлар илгари сурилган. Худди шундай банкларнинг аҳамиятига қаратилган мақолада: «Деҳқонларга маблағ ажратувчи банклар барча ривожланган мамлакатларда бор бўлиб, ҳар бири ўз юртидаги зироат ва экинларни ривожлантиришга кўмак беради ҳамда бечора деҳқонларни инсофсиз «фоизчи»лар дастидан халос қилади. ... Шу боис банклар кўп кишиларнинг оғирини енгил қилиши мумкинлиги, зироатда ривожланиш, халқ фоизчиларнинг катта фоиз қўйишидан қутулиши ва пулдорларнинг маблағлари мамлакат тараққиётига сабаб бўлувчи манфаатли ишларга сарфланиши мумкинлигини хулоса қилиш мумкин» [17. Б. 1 – 2] дейилади.

Маърифатчилик ва тор доирада маданийлаштиришдан иш бошлаган жадидчилик ҳаракати сиёсий ҳаракатга айлангач, ўз олдига жамият ва уни бошқаришни қайта қуришдек вазифаларни қўйди. Бу сиёсий талаблар «Ёш бухороликлар» инқилобчилар партияси пайдо бўлишидан аввалроқ юзага келган. Уларнинг сафи тобора кенгайиб, хорижда ўқиб, хориждаги миллий тараққийпарварлик ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган ёш кучлар келиб қўшилгач, улар аниқ сиёсий вазифалар қўйишни талаб қилдилар.

Шундай қилиб, XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида кечган мураккаб тарихий вазият натижасида илғор зиёлиларни бирлаштирган – жадидлар гуруҳи шаклланди. Ўзларини тараққийпарвар номлаган бу кучлар нафақат Бухоро, Туркистон, балки Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол роль ўйнади. Турли ижтимоий қатламлардан чиққан бу тараққийпарварлар ислоҳотчиликни Бухоро жамиятидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар негизидан бошлашни маъқул кўрдилар. Ижтимоий бирдамликка асосланиб ўз дастурларида халқнинг кенг оммаси манфаатларини ёқлаган жадидлар дастлабки танланган маърифатчилик йўлида, таълимни ислоҳ этиш орқали халқни маърифатли қилиш, миллий матбуотни ташкил этиш орқали илғор миллий ғояларни тарғиб ва ташвиқот қилиш, ёшларнинг таълим олишига кўмаклашувчи жамиятлар тузиш сингари маънавий-маърифий соҳаларда сезиларли ўзгаришлар киритган бўлса, «Ёш бухороликлар» номи билан маърифатдан сиёсатга қараб йўл олгач, жамият ва уни бошқаришни қайта қуришга қаратилган мақсад ва вазифаларни илгари сурди.

Адабиётлар:

1. *Жалол*. Вазифалар // Бухорои шариф, 1912 йил 13 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил, 24 январь //https:www.xabar.uz. (Мурожаат этилган сана: 20.04.2020).
3. История общественно-культурного реформаторства на Кавказе и в Центральной Азии (XIX – начало XX века). – Самарканд: МИЦАИ, 2012. – 335 с.
4. *Алимова Д*. История как история, история как наука. Т.2. – Тошкент: Узбекистан, 2009. – 181 с.
5. *Sartori P.* Ijtihad in Bukhara: Central Asian Jadidism and Local Genealogies of Cultural Change // JESHO (Journal of the Economic and Social History of the Orient), 59 (2016). – P. 194.
6. *Ходжаев Ф*. К истории революции в Бухаре. – Ташкент: Узбекское государственное издательство, 1926. – 78 с.
7. *Normurodova G*. (2017). The Bukhara Emirate in the 19th and early 20th Centuries: Traditional Society and Incipient Transformation. [Online]. URL: https://www.jstor.org/stable/10.13173/centasiaj.60.1-2.0315 (Мурожаат этилган сана: 05.06.2020).
8. РГ ВИА. Ф. 400: Главный штаб Азиатская часть, Оп. 1, Д. 3914, Л. 34 об.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Тузувчилар: М.Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошқ.; 2-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.
10. Россия и Средная Азия: Политика и ислам в начале XX – начале XXI вв. // Ред. коллегия: акад. РАН А.Кокошин, д.и.н. В.Наумкин, д.ю.н. Л. Сюкияйнен. Кн.1. Москва: ЛЕНАНД, 2010. – 460 с.
11.Тижоратимиз ва мактаб // Турон, 1912 йил 30 декабрь.
12. *Айний С.* Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – 246 б.
13. *Normurodova G*. (2017). XX.Yüzyıl Başlarında Buhara Toplumunda Oluşan Sosyal Transformasyon Hakkında. [Online]. URL: https://dergipark.org.tr/en/pub/atdd/issue/36145/409260 (Мурожаат этилган сана: 21.07.2020).
14. *Жалол*. Диндорлик ва тамаддун // Бухорои шариф, 1912 йил 8 май.
15. *Пылев А.И.* Политическое положение Бухарского эмирата и Хивинского ханства в 1917-1920 гг.: выбор путей развития. СПб.: Петербургское востоковедение, 2005. – 192 с.
16. *Жалол*. Нима қилмоқ керак // Бухорои шариф, 1912 йил 14 март.
17. Банки деҳқоний // Бухорои шариф, 1912 йил 17 апрель.

JADIDS OF BUKHARA ON THE WAY TO SOCIAL SOLIDARITY

G.B. Normurodova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 33 – 39.

[1]Samarkand State University, Samarkand, 140104,str. Universitet xiyoboni, 15 (Uzbekistan).
E-mail: devonxona@**samdu**.**uz**.

Keywords: *Bukhara Emirate, protectorate, progressivst, jadids, society, social solidarity.*

At the end of the 19th and the beginning of the 20th centuries certain socio-political, economic and cultural changes took place in Central Asia, which was the colonial territory of Russian Empire. National defeat and loss of independence was accepted differently by local politicians and educated people. The role of the intellectuals, who chose the way of reforming stagnant the society by enlightening the people, was of primary

importance under such conditions. In particular, it is considered to be one of the vital issues of the history of Uzbekistan to reveal the role of such progressive intellectuals belonging to different social layers of socio-political and cultural life in Bukhara Emirate.

Wide range of historical sources and reference books were involved in covering the role of newly formed intellectuals in Bukhara Emirate under the circumstances of political vassalage. Beginning of division in the moral and enlightening views among educated layers of the emirate, issues of ideas and goals of novel intellectuals from different social background were plausibly revealed by comparative and systemic methods of analysis. Novel intellectuals, mostly comprised educated, progressive people, i.e. jadids (as they called themselves progressists) were people workning in state positions quite aware of the situation, as well as ulamas, teachers and students of madrasahs, average land owners and others.

Therefore, the interests of wide social stratum of the population were reflected in the agenda proposed by jadids. Social effects of changes occurred in the emirate which turned it into politically dependent state were quite evident in the life of ordinary people. Namely progressive part of the society was deeply concerned about the harsh social system from one side and Russian capitalism with its socio-economic effects from the other side. Therefore, these progressive intellectuals fought for the interests of wide circle of layers such as peasants, craftsmen, traders, teachers and others.

At first the influence of such intellectuals striving for the democratic changes was little among ordinary people. Unfortunately, efforts of progressive intellectuals aimed at reformation were impeded by «olders» – adherents of keeping the orders of the old system. As jadids' movements began by enlightenment and cultivation in narrow circles slowly turned into political movement, they set the task to rearrange and rule the society. These political demands appeared prior to the formation of the revolutionary party «Young Bukhara men». As their lines expanded with young people who studied abroad and acquired experience of national developers in foreign countries they put forward certain political tasks.

References:

1. Jalol. *(1912) Vazifalar* [Tasks]. Bukhoroi sharif. May 13.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (2020) [Appeal of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. January 24. [Online]. URL: https://www.xabar.uz. (Date of Access: 20.04.2020).

3. Alimova, D. (ed.) (2012) *Istoriya obshchestvenno-kul'turnogo reformatorstva na Kavkaze i v Central'noj Azii (XIX – nachalo XX veka)* [The history of social and cultural reform in the Caucasus and Central Asia (XIX - early XX centuries]. Samarkand: MICAI.

4. Alimova, D. (2009) *Istoriya kak istoriya, istoriya kak nauka* [History as history, history as a science.]. 2th. Tashkent: Uzbekistan.

5. Sartori, P.(2016) Ijtihad in Bukhara: Central Asian Jadidism and Local Genealogies of Cultural Change. *JESHO (Journal of the Economic and Social History of the Orient*). 59/1-2. Pp. 193-236.

6. Xodjayev, F. (1926) *K istorii revolyucii v Buhare* [On the history of the revolution in Bukhara]. Tashkent: Uzbekskoe gosudarstvennoe izdatel'stvo.

7. Normurodova, G. (2017). *The Bukhara Emirate in the 19th and early 20th Centuries: Traditional Society and Incipient Transformation*. [Online]. URL: https://www.jstor.org/stable/10.13173/centasiaj.60.1-2.0315 (Date of Access: 05.06.2020).

8. Rossiyskiy gosudarstvenniy voyenno-istoricheskiy arxiv [Russian State Military Historical Archive]. Fond. 400: Glavniy shtab Asiatskiy chast, Delo. 3914, List. 34.

9. Jo'raev, M., Nurullin R. (ed.) (2000) O'*zbekistonning yangi tarixi*. O'*zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida* [New history of Uzbekistan. Uzbekistan during the Soviet colonial period]. 2 book. Tashkent: Sharq.

10. Kokoshin, A. (ed.) (2010) Rossiya i Srednaya Aziya: Politika i islam v nachale XX – nachale XXI vv. [Russia and Central Asia: Polity and islam the beginning of the 20th and the beginning of the 21th centuries]. 1th. Moscow: LENAND.

11. Tijoratimiz va maktab (1912) [Our business and school]. Turon. December 30.

12. Ayniy, S. (1987) Ta'rixi inqilobi Buxoro [History of revolution of Bukhara]. Dushanbe: Adib.

13. Normurodova, G. (2017). *XX.Yüzyıl Başlarında Buhara Toplumunda Oluşan Sosyal Transformasyon Hakkında*. [Online]. URL: https://dergipark.org.tr/en/pub/atdd/issue/36145/409260 (*Date of Access:* 21.07.2020).

14. Jalol. (1912) *Din va tamaddun* [Religion and civilization]. Bukhoroi sharif. May 8.

15. Pylev, A.I. (2005) *Politicheskoe polozhenie Buharskogo emirata i Hivinskogo hanstva v 1917-1920 gg.: vybor putej razvitiya* [Political condition of Bukhara Emirate and Khiva khanate in 1917-1920: Choice of development ways]. Sankt-Peterburg: Izdatel'stvo Peterburgskoe vostokovedenie.

16. Jalol. (1912) *Nima qilmoq kerak?* [What to do?]. Bukhoroi sharif. March 14.

17. *Banki dekhoniy* (1912) [Banks of farmers]. Bukhoroi sharif. April 17.

Муаллиф ҳақида маълумот:

НОРМУРОДОВА Гўзал Бекмуродовна – тарих фанлари доктори, Самарқанд давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти. E-mail: guzal.sam@mail.ru